

Информатизация такого рода сведений являются весьма важной при проектировании технологической карты мероприятий на следующие 1-5 лет, особенно, для планирования ведения борьбы с вредителем и не тратив при этом особо значимых расходов на пестициды.

Закключение. Исследования, проведенные в данной

работе, имеют практическое значение для решения задач по снижению пестицидной нагрузки на агроценозы, созданию интеллектуальных систем для управления процессом принятия решений о необходимости проведения защитных мероприятий с учетом экономической целесообразности и экологической безопасности для окружающей среды.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Плотникова Т.В., Миргородская А.Г., Шкидюк М.В., Егорова Е.В. Исследования по применению табачной пыли в качестве удобрения и средства защиты растений // Защита и карантин растений. 2019. № 1. – С. 14-16.
2. Лысов А.К., Корнилов Т.В. Цифровые технологии дистанционного мониторинга для дискретного внесения средств защиты растений // Технологии и технические средства механизированного производства продукции растениеводства и животноводства. 2019. № 1 (98). – С. 17-27.
3. Митрофанов С.В., Варфоломеева М.М., Грачев Н.Н. Применение цифровых технологий при обеспечении экологической безопасности процессов защиты растений // Техническое обеспечение сельского хозяйства. 2019. № 1 (1). – С. 186-191.
4. Носирова З.Ф. Ёритқичли феромон тутқичлар ёрдамида тут парвонаси микдорини бошқаришнинг мониторинги // Agrokimyo himoya va o'simliklar karantini. 2021. № 1. – Б. 33-36.
5. Носирова З.Ф., Қамбарова М., Махмудов М. Ёритқичли феромон тутқичларни тут парвонасига қарши қўллашнинг самарадорлиги // O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2021 № 2. – Б. 34.

УЎТ: 632.7+632.9.

ЎҚИНГ, ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

ОҚҚАНОТГА ҚАРШИ ЗАМОНАВИЙ ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Сулаймонов Отабек Абдушукурович,

қ.х.ф.ф.д., доцент,

Дусмуродова Гузал Тўлагановна,

Собиров Бекзод Бекмурод ўғли,

докторантлар,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти.

Аннотация: В этой статье приводятся данные о вредоносности, распространении и образа жизни белокрылки которая в последние годы является вредоносным объектом в нашей республике. В целях определения эффективности инсектицидов против белокрылки сначала ввели наблюдательные работы на основе томатах феромонов. На этой основе в трех вариантах провели испытания над препаратами Децис 10% к.э. 0,2 л/га., (эталон). Самая высокая эффективность наблюдалась в варианте, где применялось Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э. 0,1 л/га. В этом варианте эффективность составляла 7-день 91,7-90,9 %.

Ключевые слова: тамата, борьба, белокрылки, пестицид, исследования, результаты, биологическая эффективность.

Кириш. Сабзавот ва полиз экинларининг барча турлари учун хавфли зараркунанда бўлган ва кенг тарқалган иссиқхона оққаноти (Триалеуродес вапорариорум West.), ғўза оққаноти (Бемисиа табаси Генн), цитрус оққаноти (Диалеуродес ситри А.) алоҳида ўринни эгаллайди. Турли агроценозларда уларнинг биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда табиий энтомофаглари тур таркибини аниқлаш Республикамизда уларга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Оққанотларга қарши курашда энг самарали кимёвий восита Моспилан, Химфокс ва Каратэ препаратлари ҳисобланиди ва 12 мартагача кимёвий воситалар қўлланилган. Ўрта даражада таъсирчанлик ҳосил қилган Батон, Энжео препаратлари ҳисобланиди ва 7-8 мартагача кимёвий ишлов ўтказилди. Нисбатан кам – 4-6 марта ишлов ўтказилиб, популяция микдорини самарали бошқарган кимёвий воситалар Калипсо ва Имитрин препаратлари ҳисобланади. Оққанотнинг

тухумлари ва нимфалари нисбатан кимёвий воситаларга чидамлилиги юқорилиги кузатилди.

Тошкент вилояти популяциясидан йиғилган намуналарнинг кимёвий воситаларга нисбатан таъсирчанлиги ўрганилди. Унга кўра қўлланилган кимёвий воситаларга нисбатан оққанот зотларининг чидамлилиги энг юқори бўлган препаратлар Моспилан, Каратэ, Химфокс, ўртачаси эса Батон ва Калипсо препаратлари эканлиги ўрганилган.

Иссиқхона оққанотининг Тошкент вилоятидан йиғилган популяциялари ривожланиш босқичлари нисбатан кам чидамли бўлиб, уларнинг бодрингдаги популяция микдорини бошқаришда (иктисодий хавфсиз даражага олиб келишда) кимёвий препаратларни қўллаш сони Тошкент популяциясига нисбатан кам бўлди.

Оққанот микдорини бошқаришда замонавий пестицидлардан Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э. қўлланилган ҳамда биологик самарадорлик аниқланган.

Натижаларга кўра инсектицид қўлланилгандан сўнг 1-кун 89,2%, 3-кунда 90,6%, 7-кунда 91,7% 14-кунда 89,8 ва 21-кунда эса биологик самарадорлик пасайиб борганлиги кузатилиб, 76,3% ни ташкил этди. Эталон вариантимида яъни Десиц 10% к.э. қўлланилган 1 кундан сўнг 89,1 %, 3-кунда 90,5%, 7-кунда 90,9 %, 14-кунда 89,0% ва 21 –кунда эса ушбу вариантимида ҳам биологик самарадорлик бироз пасайиб 76,3 % ташкил этди.

Назорат(ҳеч қандай ишлов берилмаган) вариантда зараркунандалар миқдори ортиб бориб 21-кунга келиб оққанот имаголарининг сони ўртача 67,1 донани ташкил этди (1-жадвал).

Бунда кимёвий воситанинг самарадорлиги 14-кундан тушиб бориши кузатилиб, зараркунанда популяцияси қайта тикланиши кузатилди.

Оққанотнинг пестицидларга нисбатан чидамлилигини ўрганиш мақсадида ўтказилган кузатувларда оққанотнинг Тошкент ва Сирдарё вилоятлари популяциялари ўзаро таққосланди. Тажирибаларда давлат комиссияси томонидан оққанотга қарши қўллаш учун рухсат этилган пестицидлар танлаб олинган. Булардан, Моспилан 20% н.к.к.

Иссиқхона оққанотига қарши Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л КЭ препаратининг биологик самарадорлиги (2020- 2021 йй.)

1-жадвал.

№	Тажириба вариантлари	Сарф меъёри, л/га	Битта баргдаги оққанотларнинг ўртача миқдори, дона					
			ишловга қадар	ишловдан сўнг, кунлар				
				1	3	7	14	21
1.	Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э.	0,1	34,2	5,1	5,2	5,2	6,4	15,3
2.	Децис 10% к.э. (эталон)	0,2	35,1	5,3	5,4	6,0	7,1	15,7
3.	Назорат (ишловсиз)	-	35,6	49,1	57,6	63,2	65,3	67,1
Биологик самарадорлик, %								
1.	Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э.	0,1	34,2	89,2	90,6	91,7	89,8	76,3
2.	Децис 10% к.э. (эталон)	0,2	35,1	89,1	90,5	90,9	89,0	76,3
3.	Назорат (ишловсиз)	-	35,6	-	-	-	-	-

(асетамиприд) 0,3 л/га, Децис 10% э.к. (делтаметхрин) 0,1 л/га, Ботон э.к.100 г/л (бифентрин-бифентхрин), Химфокс 40 % э.к.(сйперметхрин) 0,6 л/га, Имитрин 20 % э.к. (имидаслоприд+бифентхрин) 0,4л/га, Энджео 24,7% сус.к. (ламбда-сйҳалотхрин+тҳиаметохам) 0,1 л/га, Калипсо 48% сус.к. (тҳиаслоприд) 0,1 л/га, Каратэ Зеон 5% сус.к. (ламбда-сйҳалотхрин) 0,5 л/га препаратлари танлаб олинди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Сулаймонов О.А, Кимсанбоев О.Х, Автономов Вик.А, Номозов Ш.Э, Анорбаев А.Р. Биологический метод защиты растений в решении вопросов продовольственной безопасности, при создании высокоурожайных и скороспелых сортов хлопчатника // Сборник статей международной научно-практической конференции. Саратов, 2013. -С. 154-159.
2. Сулаймонов О.А, Юсупов М.Н, Анорбаев А.Р. Агробиеоценоздаги ўсимлик зараркунандалари ва уларнинг айрим паразит турлари. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2013. -Б 52-54.
3. Юсупов М.Н., Анорбаев А.Р., Сулаймонов О.А. Агробиеоценоздаги ўсимлик зараркунандалари ва уларнинг айрим паразит турлари. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2013. -Б.55-56.
4. Сулаймонов О.А., Анорбаев А.Р., Шукуров Х.М., Мавлонова Н.У., Аблазова М.М., Масалиев М. Агробиеоценозда паразит энтомофагларнинг ривожланишида экин турларига боғлиқлиги // Селекция ва уруғчилик соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2014. -Б. 185-187.
5. Сулаймонов Б.А., Кимсанбоев Х.Х., Жумаев Р.А., Рустамов А.А., Анорбаев А.Р., Сулаймонов О.А. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш: ўқув қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -192 б.

УЎТ: 937:635.64+632.2.7.78

ЎЗУМЧИЛИК

ТОКНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ БИОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ УЙЎНЛАШГАН КУРАШ ЧОРАСИ

Худайкулов Аъзам Мирзакулович,

ТошДАУ Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти,

Абдакимова Сетора Жозил кизи, талаба,

Собиров Бекзод Бекмурод ўғли, докторант,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти.

Annotation. This article provides a summary and recommendations for prevalence, damage, survival, and coordinated responses to current major pests and current drug consumption rates.

Калим сўзлар: токнинг асосий зараркунандалари, ток канаси, ток унсимон қурти, шингил барг ўровчиси, саратонлар, тўпгуллар, тугунча, гўра, пишган мевалар, кимёвий кураш.